

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,  
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАЛИКОВ АЗИМ НЕЪМАТОВИЧ**

**УЗУМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРОББОП НАВ ВА  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по сельскохозяйственным наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on agricultural sciences**

**Маликов Азим Неъматович**

Узумнинг истиқболли шароббop нав ва дурагайларини танлаш ва уларни  
етиштириш технологиясини такомиллаштириш ..... 3

**Маликов Азим Неъматович**

Подбор перспективных винных сортов и гибридов винограда и  
совершенствование технологии их возделывания ..... 19

**Malikov Azim Ne'matovich**

Selection of promising wine varieties and hybrids of grapes and improvement  
of their cultivation technology ..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 38

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК МАХМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК,  
УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**МАЛИКОВ АЗИМ НЕЪМАТОВИЧ**

**УЗУМНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ШАРОББОП НАВ ВА  
ДУРАГАЙЛАРИНИ ТАНЛАШ ВА УЛАРНИ ЕТИШТИРИШ  
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**

Кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Qx349 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Махмуд Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Файзиев Жамолдин Носирович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент.

**Расмий оппонентлар:**

**Султонов Камолитдин Садриддинович**  
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.  
**Халмирзаева Лола Бахромовна**  
кишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «03» 12, соат 16<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (~~№242117~~ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2020 йил «27» ноябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «06» ноябрь даги 2 рақамли реестр баённомаси).



 **Х.Ч.Буриев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., профессор.

 **З.А.Абдукаюмов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д. (PhD), доцент

 **И.Т.Нормуратов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

## **-КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Ҳозирги кунда дунё бўйича тоқзорларнинг умумий майдони 7 млн. 546 минг гектарни, яъни узум ҳосили 62 млн. тоннани ташкил этмоқда. Етиштириладиган узум ҳосилининг асосий қисми – 83% вино тайёрлаш, 12% янгилигича истеъмол қилиш ва 5% қуриштириш (майиз) учун ишлатилади. Дунё бўйича етиштирилган узумнинг 31 млн. тоннаси Европа, 12,5 млн. тоннаси АҚШ, 13,5 млн. тоннаси Осиё, 3,1 млн. тоннаси Африка ва 3,1 млн. тоннаси Австралия ва Янги Зеландия мамлакатлари улушига тўғри келиб, узум ҳосилдорлиги ўртача 82,2 ц/га ни ташкил этмоқда<sup>1</sup>.

Ҳозирги вақтда, дунёнинг узум етиштирувчи мамлакатларида узум ҳосилдорлигини оширишда янги навларни яратиш ва энг мақбул агротехник тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари долзарб муаммо ҳисобланади. Сўнгги йилларда дунё қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган узумчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар натижасида узумнинг истиқболли шароббоп навларини чиқариш, уларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, қайта ишлаш учун энг яхши шароббоп навларни танлаш, тоқ тупи юқламаси ва минерал ўғитларнинг энг мақбул миқдорлари ишлаб чиқилган. Ушбу ишланмаларни маълум жой тупроқ-иқлим шароитлари ва қўлланилаётган нав хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда мақбуллаштириш узумчилик соҳасининг самарадорлигини сезиларли ошириш имконини беради.

Республикадаги барча тоифа хўжаликлари тасарруфида 113,3 минг гектар тоқзорлар мавжуд бўлиб, шундан, 11,9 минг гектари шароббоп тоқзорлар ҳисобланади<sup>2</sup>. Ҳозирги даврда республикада тоқзорлар майдонини кўпайтириш, ҳосилдорликни ва узумни қайта ишлаш қувватини ошириш, жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни етиштириш каби масалаларга катта эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 3.3 бандида «...қишлоқ хўжалигида экин майдонлари ва экинлар таркибини оптималлаштириш, илғор агротехнологияларни жорий этиш ҳамда ҳосилдорликни ошириш, мева-сабзавот ва узум етиштиришни кўпайтириш, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш» муҳим стратегик вазифалардан бири қилиб белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 мартдаги «2013-2015 йиллар даврида республикада узумчиликни янада ривожлантириш дастури тўғрисида»ги ПҚ-1937-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси

<sup>1</sup> <http://vinocenter.ru/mirovovoe-proizvodstvo-i-potreblenie-vinograda.html>; <https://east-fruit.com/article/v-sezone-20182019-gg-mirovovoe-proizvodstvo-stolovogo-vinograda-sokratilos-na-13-mln-tonn>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетени, 2019

Президентининг 2018 йил 28 февралдаги «Виночилик маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар реализациясини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3573-соли қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёнинг турли минтақалари шароитларида нав танлаш, ток тупи куртак юкламаси ва минерал ўғитлар меъёрларини узум навларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича W.M.Kliewer, A.Colby, P.Bowen, M.Benz, Pal.Kozma, A.M.Негрул, Я.Ф.Кац, М.С.Журавель, А.А.Преображенский, К.В.Смирнов, Е.П.Перепелицина, А.И.Фролов, Ғ.И.Ҳайдаркулов, В.А.Арзуманов, Б.Д.Мирзахидов, М.М.Мирзаев, В.Л.Молчанов, З.Я.Молчанова, Ю.М.Джавакянц, Ж.Н.Файзиев ва У.О.Очилдиевлар ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Юқори сифатли шароблар олиш учун истиқболли шароббоп узум навларини танлаш, узум новдаларининг кесиш узунлиги, туп юкламасини оптималлаштириш технологияси тамойиллари яратилган. Хусусан, узумнинг шароббоп навларига ўғитларни оптимал миқдорларини ишлаб чиқиш, ток тупини ўстириш, шароббоп навлардан экологик тоза маҳсулотлар олиш, нав агротехникаси ва бошқалар бўйича тавсиялар берилган.

Ҳозирги кунда узумнинг шароббоп навларини ҳосилдорлиги ва сифатини янада ошириш, навларнинг ҳосилдорлигини ошириш имконини берадиган шароббоп навларни танлаш, ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар бериш миқдорини энг мақбул меъёрларини татбиқ этиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шу муносабат билан узумнинг шароббоп навларини агробиологик хусусиятларини ўрганиш асосида юқори ҳосилли нав ва дурагайларни ажратиш, танлаш ҳамда уларни ток тупи юкламаси, минерал ўғитларларнинг ҳар бир нав учун энг мақбул меъёрларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда, уни ҳал этиш эса токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш имконини берувчи қатор муаммоли масалалар ечилишига имкон беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги КХА-8-046 «Селекцияда фойдаланиш мақсадида узумни навлараро ва турлараро чатиштириш асосида совуққа ва

касалликларга чидамли навларини яратиш» (2012-2014 йй.), ҚХА-8-060 «Узумнинг навлараро чатиштириб олинган дурагайлarning агробиологик ва кимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида истиқболли шароббоп навларни танлаш» (2015-2017 йй.) ва ҚХ-А-2018-260 «Тошкент вилояти тупроқ-иклим шароитида маҳаллий ва четдан келтирилган узум навларининг экологик синовини ўтказиш асосида юқори ҳосилли, зарарли организмларга чидамли шароббоп ва хўраки узум шакллари аниқлаш ҳамда янги навларни яратиш» (2018-2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** интродукция қилинган узумнинг шароббоп нав ва дурагайларни қимматли-хўжалик белгиларини ўрганиш асосида янги шароббоп навларини танлаш, куртак юкламаси ва ўғитлаш миқдорини ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

истиқболли шароббоп узум нав ва дурагай шакллари танлаш;

истиқболли шароббоп узум нав ва дурагай шакллари касалликларга чидамлилигини аниқлаш;

шароббоп узум навларнинг ҳосилдорлигини оширишда макбул куртак юкламасини танлаш;

шароббоп узум навларини ўсиши ва ҳосилдорлигига ўғитлаш миқдорларини таъсирини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида узумнинг шароббоп Адисси, Алиготе, Гармус, Каберни совиньон, Кумшатский, Матраса, Рекорд, Мускат ВИРа, Пино чёрный, Серемский зелёный, Эфинди, Родина, Тавквери, Узбекистан, Рубиновый, Хиндогни, Рислинг, Майский чёрный ва Мускат венгерский навлари ва Гибрид 12-9-6/10, Гибрид 12-10-1/5, Гибрид 12-11-1/5, Гибрид 12-6-1/5, Гибрид 12-4-15/18, Гибрид 12-3-2/9, Гибрид 12-3-23/28, Гибрид 12-3-21/22, Гибрид 12-9-21/25, Гибрид 12-10-16/20, Гибрид 12-3-11, Гибрид 12-5-1/5, Гибрид 12-5-16/20, Гибрид 12-8-26/3, Гибрид 12-7-31/34 дурагай шакллари; ток тупи юкламаси, минерал ўғитлар меъёрлари хизмат қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб узумнинг шароббоп навлари ўсимликларининг агробиологик хусусиятлари, фенологик фазаларнинг ўтиши, ток тупларининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари, узум боши ва гужумининг механик хусусиятлари ва кимёвий таркиби, ҳосилдорлиги ва гужумининг сифат кўрсаткичлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала ва лаборатория тажрибалари Х.Ч.Бўриев, Н.Ш.Енилеев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси» (2014), М.А.Лазаревскийнинг «Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда» (1946), Н.Н.Простосердовнинг «Изучение винограда для определения его использования» (1963), В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами» (1967) номли услубий адабиётларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган. Токнинг зарарланганлик даражаси Ш.Т.Ходжаевнинг «Ўсимликларни

зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари» (2015) асосида аниқланган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) кўрсатган услуби бўйича ҳисобланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

илк бор республикада узумнинг шароббоп нав ва дурагай шаклларини қимматли-хўжалик белгилари ҳамда кимёвий хусусиятлари асосида энг яхши кўрсаткичларга эга бўлган истикболли навлар танланган;

шароббоп узум нав ва дурагайларнинг касалликларга чидамли нав намуналари ажратилган;

узумнинг шароббоп навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширувчи энг мақбул ток тупи юкламаси аниқланган;

узумнинг шароббоп навлари ҳосилдорлиги ва сифатини оширишга имкон берувчи энг мақбул минерал ўғитлар меъёрлари илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

шароббоп узум навларидан ҳосилдорлиги юқори, касалликларга чидамли навлари ажратилиб, шунингдек, дурагай шаклларнинг қимматли-хўжалик белгиларини ўрганиш асосида Алиготе ва Каберни совиньон навлари ҳамда Гибрид 12-10-1/5, Гибрид 12-11-1/5 ва Гибрид 12-4-15/18 дурагай шакллари ажратилиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилган;

куртак юкламасини 140-160 та куртак кодириш асосида шароббоп узум навларининг ҳосилдорлиги 30% юқори бўлишига эришилган;

ўғитлашнинг энг яхши меъёрлари яъни  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га ишлаб чиқиш асосида шароббоп узум навларининг ҳосилдорлиги 20-25 фоизга юқори бўлишига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** лаборатория ва дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги, илмий-тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро илмий-амалий конференциялар, инновацион кўргазмаларда муҳокама қилинганлиги, олинган натижалар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада шароббоп узум навлари токзорини барпо қилиш ҳамда сифатли ва юқори ҳосил олиш имконини берувчи навларни танланиши, куртак юкламаси ва ўғитлашнинг мақбул меъёрларини аниқланганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шароббоп узум нав ва дурагай шаклларидан танлаш ва уларнинг қимматли-хўжалик белгилари ҳамда касалликларга чидамлилигини ўрганиш асосида истикболлилари танлаб олинганлиги, узумнинг шароббоп навларига куртак юкламаси ва

Ўғитлашни мақбул меъёрларини танлаш орқали ҳосилдорликни 139-140% гача оширишга эришилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Истикболли шароббоп узум нав ва дурагайларини танлаш ҳамда етиштириш технологияси элементларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар асосида:

узумнинг шароббоп навларига куртак юкламаси ва ўғитлашнинг мақбул меъёрларини танлаш ишланмаси Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Бустон Элмурод» фермер хўжалгида 3 га, «Гулбоғ Мирхомид Мираброр» фермер хўжалигида 2,5 га, «Худоёр Шампан» номли фермер хўжалигида 2,0 га жами 7,5 га майдонда ва Қибрай туманидаги Қибрай «Шароб» илмий экспериментал корхонаси тажриба даласида Хиндоғни ва Майский черный навларида 2,5 га, умумий ҳисобда 10 га узумчилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 07 май 2019 й., 02/030-51-сон маълумотномаси). Натижада фермер хўжаликларида куртак юкламаси ва ўғитлашнинг ишлаб чиқилган меъёрлари асосида бир гектар шароббоп токзорлардан ўртача 22 тоннадан 25 тоннагача сифатли узум маҳсулоти етиштирилиб, реализация қилишдан ўртача 25-33 млн. сўм даромад олинган;

танлаш асосида шароббоп узумнинг қимматли-хўжалик белгилари юқори бўлган янги «Мускат Шавқи» (Нав гувоҳномаси № 548 23.02.2016 й.), «Истиклол» (Нав гувоҳномаси № 017 02.03.2018 й.) ва «Гавҳар» (Нав гувоҳномаси № 016 02.03.2018 й.) навлари танланиб (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 07 май 2019 й., 02/030-51-сон маълумотномаси), ҳаммуаллифлик асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, шу жумладан 6 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг хажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Узумнинг шароббоп навларининг агробиологияси ва етиштириш технологиясини ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республика адабий нашрлари маълумотлари шарҳланган. Жумладан, тупроқ-иқлим шароитларини узум ҳосилдорлиги ва сифатига таъсири, узумнинг шароббоп нав ва дурагайларини танлаш, шароббоп навларга қуйиладаган талаблар, узумнинг шароббоп навларига куртак юкламаси ва ўғитлаш меъёрларини унинг ҳосилдорлиги ва ҳосил сифатига таъсири тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги ёритилган. «Тадқиқот мақсади, вазифаси, объектлари ва услуги» бўлимида шароббоп нав ва дурагайларни танлаш, шароббоп навларга куртак юкламаси ва ўғитлаш меъёрларини таъсирини ўрганиш билан тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби, шунингдек, шароббоп узум навларга куртак юкламаси ва ўғитлаш меъёрларини иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби мезонлар баён этилган.


Диссертациянинг «**Истикболли шароббоп узум нав ва дурагайларини танлаш ҳамда биотик омилларга чидамлилиги ўрганиш**» деб номланган учинчи бобининг «Узумнинг истикболли шароббоп нав ва дурагай шаклларини танлаш» бўлимида шароббоп узум навларида куртак бўртишидан пишишигача 118 кундан 163 кунгача бўлиб, дурагай шаклларда энг қисқаси 138 кун (Гибрид 12-9-21/25), энг узоғи 163 кун (Гибрид 12-3-23/28) бўлди.

Барча шароббоп навларда битта ҳосилли новдалар – 42,1-45,4% ҳамда иккита ҳосилли новдалар – 21,3-27,4% оралиғида бўлиб, энг кам ҳосил туккан Каберни совиньон нави – 21,3% ни кўрсатди. Ҳосилли новдалар кўрсаткичлари дурагай шаклларда ҳам навларга яқин бўлиб, бунда битта ҳосилли новдалар энг кўп – 47,5% (Гибрид 12-9-6/10 ва Гибрид 12-5-16/20), энг ками – 41,3% (Гибрид 12-10-1/5) ҳамда иккита ҳосилли новдалар Гибрид 12-9-6/10 дурагайида энг кўп – 26,3% бўлган бўлса, Гибрид 12-3-11 дурагайида энг кам – 21,3% ни ташкил қилди. Шунингдек, шароббоп навларни ўзини-ўзига чанглай олишида етилган ғунчалар 31,5-59,4%, дурагай шаклларда – 31,5-55,5% бўлди.

Ўрганилаётган нав намуналарида узумбошларнинг оғирлиги барча навларда 142-508 г бўлган бўлса, энг кичиги Тавквери ва Каберни совиньон навларида мос равишда – 138-142 г, энг йириги Рекорд навида 508 г бўлди. Шароббоп узум дурагай шаклларида энг кичик узумбошлар Гибрид 12-5-1/5 ва Гибрид 12-3-23/28 дурагайларида 130-210 г бўлиб, Гибрид 12-10-1/5 дурагайида энг йирик узум боши 420 г бўлиб, қолган барча дурагайларда


130-420 г ни ташкил қилди.

Энг юкори бир тупдаги ҳосил Рекорд навида (22,9 кг), энг паст Тавквери ва Кумшатский навларида (5,8-6,3 кг) бўлди. Шунингдек, Рекорд нави Саперави ва Ркацители (st) навларига нисбатан (6,2 ва 15,8 т/га) юкори ҳосил берган бўлса, бошқа навлар эса Саперави (st) навидан камрок ҳосил берди (1-расм).



1-расм. Шароббон навларнинг бир тупдаги ҳосили ва ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)

Шароббон узум дурагай шаклларидан бир тупдаги ҳосил энг юкори Гибрид 12-10-1/5 шакли (21,4 кг), энг паст ҳосил Гибрид 12-5-1/5 ва Гибрид 12-3-23/28 шаклларида (6,2-7,1 кг) бўлди. Шунингдек, шароббон узум дурагай шакллари Саперави ва Ркацители (st) навларига нисбатан энг юкори ҳосилдорлик Гибрид 12-10-1/5 шаклида (28,5 т/га) ёки энг паст ҳосилдорлик Гибрид 12-5-1/5 ва Гибрид 12-3-23/28 шаклларида (8,3 ва 9,5 т/га) бўлди (2-расм).



2-расм. Шароббон дурагай шаклларнинг бир тупдаги ҳосили ва ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)

Тадқиқотларда нав ва дурагайларнинг оидиум касаллиги билан зарарланиши барг ва узум бошларида бўлиб, барча йилларида энг кам зарарланган Алиготе навида барги (2,3 балл) ва узум боши (0,7 балл) зарарланди. Шунингдек, Гармус ва Родина навларида ҳам баргининг зарарланиши 2,3 балл бўлиб, касалликка энг чидамсиз барглар Матраса ва Рекорд (3,3 балл), Кумшатский ва Эфинди навлари (3,1 балл) ҳамда узум бошининг энг юқори зарарланиши Кумшатский навида (1,8 балл) бўлди (3-расм).




**3-расм. Шароббоп навларнинг оидиум касаллиги билан зарарланиши даражаси (2016-2018 йй.)**

Тадқиқотлар натижасида аниқландики, барча навларнинг узумбошлари камроқ, барглари эса кўпроқ касалланиб, оидиум касаллиги билан зарарланиш дурагай шаклларда ҳам навларга яқин эканлиги аниқланди.

Дурагай шаклларда баргларини энг кучли зарарланиши Гибрид 12-4-15/18 ва Гибрид 12-3-2/9 шаклларда (3,2-3,1 балл) ҳамда энг кам зарарланиши Гибрид 12-11-1/5, 12-9-21/25, 12-3-11, 12-5-16/20 ва 12-8-26/30 шаклларда (2,2 балл) аниқланди. Узум бошининг энг кучли зарарланиши Гибрид 12-8-26/30 ва 12-7-31/34 шакларида (1,6-1,7 балл) ва энг кучсиз Гибрид 12-10-1/5 шаклида (0,9 балл) намоён килди (4-расм).

Тадқиқотларда антракноз касаллиги билан зарарланиши барча шароббоп узум навларнинг яшил новдаси ва барги узум бошига нисбатан кўпроқ зарарланиб, энг юқори Родина ва Гармус навларида (2,7-2,8 балл), энг кам Каберни совиньон навида (1,7 балл), энг кўп зарарланган узум бошлари Тавквери, Рубиновый, Эфинди ва Матраса навларида (1,6-1,5 балл) бўлди.



**4-расм. Дурагай шаклларнинг оидиум касаллиги билан зарарланиши даражаси (2016-2018 йй.)**


Диссертациянинг «Шароббоп узум навларини айрим етиштириш технологиясини такомиллаштириш» деб номланган тўртинчи бобида узумнинг шароббоп навларига куртак юкласи ва ўғитлаш меъёрларини ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига таъсири аниқлашда, хусусан, «Узумнинг шароббоп навларидан юқори ҳосил етиштиришда новдаларга куртак юкласини танлаш» бўлимида ўрганилган навларда энг кўп битта ҳосилли новда бўлиб, учта ҳосилли новда жуда камчиликни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар 140-160 та куртак юкласида Хиндогни навида битта ҳосилли новда 48,2%, иккита ҳосилли новда 28,3% ва учта ҳосилли новда 3,2% бўлган бўлса, мос равишда Мускат венгерский навида – 46,7-27,4-4,3%, Майский чёрний навида – 46,5-26,4-4,1% ва Рислинг навида – 45,8-25,7-4,3% ташкил қилди. Бирок, энг кам ҳосилли новдалар 200-220 та куртак юкласида намоён бўлди.

Хиндогни (гуллар сони – 468 дона, тўкилган гунчалар – 4,4% ва мевалар 42%, етилган гужумлар – 53,6%), Мускат венгерский (мос равишда 325 дона, 4,4%, 57,1%, 38,5%), Майский черний (318 дона, 4,4%, 60%, 35,6%) ва Рислинг (339 дона, 4,4%, 41%, 54,6%) навларида 140-160 та куртак юкласида ўзини-ўзи чанглай олиши ижобий натижа берди. Бирок, назорат 100-120 та куртак юкласи барча навларда энг паст кўрсаткичлар бергани аниқланди.

Барча навларда 140-160 та куртак юкласи узум боши огирлигига сезиларли таъсир қилди (Хиндогни нави – 452 г, Мускат венгерский нави – 163 г, Майский чёрний нави – 283 г, Рислинг нави – 240 г). Лекин, механик таркиби бошқа куртак юкламаларда ҳам назорат куртак юкласига яқин бўлди. Бирок, 200-220 та куртак юкласи барча навларда энг паст кўрсаткичларни намоён қилди.

Хиндогни навида 140-160 та куртак юкласида бир тупдаги узум

бошлар сони 43 дона, бир тупдаги ҳосил 19,4 кг ёки назоратга нисбатан 5,5 кг га юқори бўлиб, қандлилиги энг паст 23% ва кислоталилиги энг юқори 5,5 г/л ни ташкил қилди (5-расм).



**5-расм. Турли куртак юкласида шароббоп навларнинг бур тупдаги ҳосили ва ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)**

Мускат венгерский навига 140-160 та куртак юкласида мос равишда 67 дона, 10,9 кг/туп, 24,1% бўлиб, назоратга нисбатан 6 донага, 1,9 кг/туп га юқори, қандлилиги эса 1,4% кам бўлди. Худди шу каби натижалар Майский чёрный навида – 62 дона ва 7,5 кг/туп, Рислинг навида – 51 дона ва 12,2 кг/туп ташкил қилди. Бирок, куртак юкласи жуда кўп 180-200 та колдирилганда ҳам бир тупдаги узум бошлар сони ва бир тупдаги ҳосил миқдори ҳам камайганлигини аниқланди.

Тадқиқ қилинаётган куртак юкласлари нафақат бир тупдаги ҳосил миқдорига балки гектаридаги ҳосилдорлигига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, назорат 100-120 та куртак юкласига нисбатан ҳосилдорлик 140-160 та куртак юкласида Хиндогни навида – 40% (25,9 т/га), Мускат венгерский навида – 20,8% (14,5 т/га), Майский чёрный ва Рислинг навларида – 20,7% (23,3 ва 16,3 т/га) юқори бўлди.

Иқтисодий таҳлиллар шуни кўрсатдики, маҳсулот реализасидан келадиган ялпи даромад узум навларининг туп юкласига боғлиқ бўлган ҳар хил ҳосилдорлигига кўра ўзаро фарқланди. Бунда энг юқори даромад ҳосилдорлиги юқори бўлган 140-160 куртак туп юкласида қайд этилди.

Ушбу туп юкламасида ялпи даромад Хиндогни навида 51800,0 ва Майский черный навида 41940,0 минг сўмни ташкил қилди. Ушбу туп юкламасида мос ҳолда маҳсулот таннархи ҳам қуйи кўрсаткичларда бўлди. Бу эса маҳсулот реализациясидан соф фойданинг юқори кўрсаткичларда бўлишини таъминлади. Жумладан, энг юқори соф фойда 140-160 куртак туп юкламаси қўлланилганда Хиндогни навида 20027,3 минг ва Майский черный навида 9982,0 минг сўмни ташкил қилди.

Тажриба натижаларидан шу нарса аниқ бўлдики, ток тупларига кам ёки кўп миқдорда куртак юкламалари қолдирилса, ҳосил миқдори ва ҳосилдорлик паст бўлиши аниқланди. Бундан келиб чиқиб, куртак юкламасини мақбул меъёрга қуйиладиган бўлса, юқори ҳосил олиш имкониятини беради.

Демак, ток новдаларига меъёридан ортиқ куртак юкламаси ҳам узумбоши огирлигига, шу билан бирга ҳосилдорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатар экан.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг «Ўғитлаш миқдорларини узумнинг шароббоп навларини ўсиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш» деб номланган бўлимида узумнинг шароббоп навларига ўғитлаш меъёрларини ҳосилдорлик ва ҳосил сифатига таъсири бўйича амалга оширилган тажриба натижаларига кўра,  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғит берилганда Хиндогни навида битта ҳосилли новда 45,3%, иккита ҳосилли новда 26,4%, учта ҳосилли новда 3,2% ва жами ҳосилли новда 74,9% ҳамда битта ҳосилли новдадаги узум бошлар сони 1,34% ташкил қилган ҳолда назоратга нисбатан ( $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га) битта ва иккита ҳосилли новда 1,1%, учта ҳосилли новда 2,4% ва жами ҳосилли новда 4,6% юқори бўлди.

Шунингдек, минерал ўғитларни  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га берилганда Мускат венгерский нави мос равишда 47,5-25,4-3,2% бўлиб, жами ҳосилли новда 76,1% бўлиб, битта ҳосилли новдадаги узум бошлар сони 1,31% ташкил қилди. Майский чёрный нави ҳам минерал ўғитларни  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га берилганда битта ҳосилли новда 45,6%, иккита ҳосилли новда 24,5%, учта ҳосилли новда 2,4% ва жами ҳосилли новда 72,5% бўлиб, назоратга нисбатан мос равишда 1,1-1,1-1,1% ва жами ҳосилли новда 3,2% га юқори бўлди.

Майский чёрный нави ҳам жуда кам ва кўп миқдорда минерал ўғитлар солинганда унинг ҳосилли новдалар ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб,  $N_{80}P_{50}K_{30}$  кг/га минерал ўғит берилганда назорат вариантга нисбатан битта ҳосилли новда 22%, иккита ҳосилли новда 0,4%, учта ҳосилли новда 1,3% ва жами ҳосилли новда 3,9% га кам бўлди. Худди шундай жуда кўп миқдорда ўғитлар солинганда ҳам жами ҳосилли новда 4,6% га кам бўлди.

Рислинг навида минерал ўғитлар миқдоридан келиб чиқиб  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғит берилганда энг юқори битта ҳосилли новда 44,5%, иккита ҳосилли новда 24,3%, учта ҳосилли новда 3,4% ва жами ҳосилли новда 72,2% ни ташкил қилди.

Ўғитлаш миқдорлари шароббоп навларнинг ўзини-ўзи чанглай олишида ҳам бир мунча таъсир кўрсатиб,  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғитлар берилганда Хиндогни навида гулларнинг умумий сони 468 дона, тўкилган гунчалар

3,1%, мева тўкилиши 38,6% ва етилган ғужумлар 58,3% бўлиб, назоратга нисбатан мос равишда 3 донага кўп, 0,3 ва 9% кам ҳамда 1,2% юқори бўлди.

Шунингдек, Мускат венгерский (мос равишда 326 дона, 2,9%, 53,2% ва 43,9%), Майский чёрный (325 дона, 3,5%, 53,1% ва 43,4%) ва Рислинг (341 дона, 3,2%, 39,6% ва 57,2%) навларига ҳам  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғитлар берилганда аниқланди. Бироқ, ушбу навларга ҳам ўғитлар миқдори жуда кам ва кўп миқдорда солинганда салбий натижа қайд этилди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, минерал ўғитлар кам ёки кўп берилганда ҳам навларнинг ўзини-ўзи чанглай олишига салбий таъсир кўрсатди.

Ўғитлар миқдорини шароббоп навларнинг механик таркибига таъсири ўрганилганда Хиндогни навида  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғит берилганда узум бошининг оғирлиги 456 г, ўлчами 21Ч12 см бўлиб, назоратга нисбатан ( $N_{120}P_{90}K_{60}$  кг/га) 5 г оғир ва 1Ч1 см катта бўлди. Шунингдек, узум бошининг эти ва шарбат қисми 84,9%, шингили 3,6%, пўсти 7,2% ва уруғи 4,3% бўлиб, энг кичик натижа  $N_{80}P_{50}K_{30}$  кг/га минерал ўғит берилганда мос равишда 436 г ва 19x11 см бўлиб, назоратга нисбатан 15 г ва 1x0 см га кам бўлди.

Мускат венгерский нави узум бошлари 164 г, ўлчами 16Ч10 см, эти ва шарбат қисми 86,6%, шингили 4,2%, пўсти 4,1% ва уруғи 5,1%  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғит берилганда бўлиб, назоратга нисбатан 12 г ва 1x1 см га ортиқ бўлди. Механик таркиби эса барча вариантларда бир-биридан дярли фарқ кузатилмади. Узум бошининг энг кичкина бўлиши  $N_{80}P_{50}K_{30}$  кг/га – 152 г ва 15x9 см бўлди.

Майский чёрный навида ҳам  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғит берилганда узум бошининг оғирлиги 285 г, ўлчами эса 22Ч15 см, узум бошининг механик таркибига кўра, эти ва шарбат қисми 90,2%, шингили 3,7%, пўсти 4,1% ва уруғи 2,0% бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, Рислинг навида ҳам ушбу вариантда узум бошининг оғирлиги 243 г ва ўлчами 21x11 см ни ташкил қилди. Ўғитларни миқдорлари айниқса, бир тупдаги узум бошлар сони ва бир тупдаги ҳосил миқдорига катта таъсир қилди. Шу билан бирга узум шарбати таркибидаги қанд ва кислота миқдорига салбий таъсир кўрсатди. Шарбат таркибидаги қанд миқдори камайган сари кислота миқдори унга тесқари пропорционал, яъни, кўтарилгани ҳисоб ва кузатувлар натижасида аниқланди.


Хиндогни навида бир тупдаги узум бошлар сони 44 дона ва ҳосили 20,1 кг бўлиб, узум шарбатининг қандлилиги 23,1% ва кислоталилиги 5,7 г/л ни ташкил қилди. Бир тупдаги узум боши ва ҳосили назоратга нисбатан 19 дона ва 9,6 кг га юқори бўлди. Бироқ, энг паст натижа  $N_{80}P_{50}K_{30}$  кг/га минерал ўғит берилганда мос равишда 25 дона ва 10,5 кг/тупни ташкил қилди.

Энг юқори натижа Мускат венгерский навида мос равишда 68 дона ва 10 кг/туп бўлиб, назоратга нисбатан 2 дона ва 0,3 кг/туп юқори бўлди. Мускат венгерский навида ҳам энг паст натижа биринчи вариантда ( $N_{80}P_{50}K_{30}$  кг/га) бўлиб, 62 дона ва 9,1 кг/тупни ташкил этди (6-расм).

Майский чёрный навида ҳам тўртинчи вариантда ( $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га)

юқори натижа кузатилиб, бир тупдаги узум бошлар сони 64 донани, бир тупдаги ҳосил 16,5 кг, узум шарбати таркибидаги кандлилик 23,4%, кислоталилик 5,4 г/л бўлди.

Рислинг нави бир тупида узум бошлар кўп бўлишига қарамасдан узум бошининг кичиклиги сабабли бир тупдаги ҳосил кам бўлгани ҳисоб ва кузатувлар натижасида аниқланди.  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га минерал ўғит берилганда энг кўп, узум бошлар сони 52 донани, бир тупдаги ҳосил 11,6 кг ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар назоратга нисбатан бир тупдаги узум бошлар сони 3 дона ва 0,6 кг/тупга кўпроқ бўлди. Энг кам натижа  $N_{80}P_{50}K_{30}$  кг/га минерал ўғит берилганда мос равишда 47 дона ва 10,5 кг/тупни ташкил қилди.



6-расм. Турли ўғитлаш миқдорларида шароббоп навларнинг бир тупдаги ҳосили ва ҳосилдорлиги (2016-2018 йй.)

Таҳлил натижаларига кўра, узумни шароббоп навларини турли ўғитлаш меъёрларини иқтисодий самарадорлик даражаси ўғитлаш меъёрларига боғлиқ ҳолда унинг ҳосилдорлиги ошгани боис рентабеллик даражаси ҳам юқори бўлди. Бунда танланган навлардан энг юқориси Хиндогни навида назорат вариантда  $N_{120}P_{90}K_{60}$  (назорат) кг/га соф ҳолда ўғит берилганда соф фойда 19847,0 минг сўмни ташкил қилиб рентабеллик 182,5% бўлди. Ушбу нава  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га соф ҳолда ўғит берилганда соф фойда 31703,6 минг сўм бўлган ҳолда рентабеллик 283,7% ташкил қилди.

## ХУЛОСАЛАР

1. Узумнинг шароббоп навларида куртак бўртишидан пишишигача 118 кундан 163 кунгача ва дурагай шаклларда энг қисқаси 138 кун (Гибрид 12-9-21/25), энг узоғи 163 кун Гибрид 12-3-23/28 да қайд этилди.

2. Узумнинг нав намуналари ва дурагайларида узум бошларнинг энг йириги Рекорд навида 508 г ва Гибрид 12-10-1/5 дурагайида узум боши 420 г ни ташкил қилди.

3. Нав намуналаридан Алиготе ва Каберни совиньон навлари тўлик пишган вақтда энг кўп 25,4-25,2% қанд тўпланиб, гужум шарбатининг титрланадиган кислоталилиги 4,3-3,7 г/л ни ташкил этди.

4. Узумнинг шароббоп нав ва дурагайларида энг юқори ҳосилдорлик Рекорд нави ва 12-10-1/5 дурагайида 305-285 ц/га ни ташкил этди.

5. Нав ва дурагайларнинг оидиум касаллиги билан барг ва узум бошларининг энг кам зарарланиши Алиготе навида ва Гибрид 12-11-1/5, 12-9-21/25, 12-3-11, 12-5-16/20 ва 12-8-26/30 дурагайларида барги 2,2-2,3 балл ва узум боши 0,7-0,9 балл билан зарарланди.

6. Узумнинг шароббоп Хиндогни, Мускат венгерский, Майский чёрний ва Рислинг навларига  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг минерал ўғит берилганда, ҳосилли новдалар – 74,9-76,1-72,5-72,2 % ташкил этди.

7. Узумнинг шароббоп Хиндогни, Майский чёрний, Рислинг ва Мускат венгерский навларида энг оғир узумбошлари 456-285-243-164 г минерал ўғитлар  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га ҳисобида берилганда қайд этилди. Бунга боғлик равишда энг юқори ҳосилдорлик навлар бўйича 268-220-155-133 ц/га ни ташкил этди.

8. Узумни шароббоп навларини турли ўғитлаш меъёрларида етиштиришнинг рентабиллик даражаси Хиндогни ва Майский чёрный навларида минерал ўғитлар  $N_{140}P_{110}K_{80}$  кг/га ҳисобида берилганда энг юқори рентабеллик 177,2 % ва 134,7 % бўлиши қайд этилди.

9. Узумнинг шароббоп навларини етиштирувчи фермер хўжаликларида:

Алиготе ва Каберни совиньон навларидан токзорлар барпо этиш;

токзорлардан юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ток тупига 140-160 та куртак юклама бериш ва азотли ўғитлар 140 кг/га, фосфорли ўғитлар 110 кг/га ва калийли ўғитлар 80 кг/га соф ҳолда бериш тавсия қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ САДОВОДСТВА,  
ВИНОГРАДАРСТВА И ВИНОДЕЛИЯ ИМ. АКАДЕМИКА МАХМУДА  
МИРЗАЕВА**

**МАЛИКОВ АЗИМ НЕЪМАТОВИЧ**

**ПОДБОР ПЕРСПЕКТИВНЫХ ВИННЫХ СОРТОВ И ГИБРИДОВ  
ВИНОГРАДА И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ИХ  
ВОЗДЕЛЫВАНИЯ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.4.PhD/Qx349.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте садоводства, виноградарства и виноделия им. академика Махмуд Мирзаева.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.tdau.uz](http://www.tdau.uz)) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** Файзиев Жамолдин Носирович,  
доктор сельскохозяйственных наук

**Официальные оппоненты:** Султонов Камолитдин Садриддинович,  
доктор сельскохозяйственных наук, профессор  
Халмирзаева Лола Бахромовна  
Доктор философии сельскохозяйственных наук (PhD)

**Ведущая организация:** Научно-исследовательский институт лесного  
хозяйства


Защита диссертации состоится «03» 12 2020 года в 16<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.05/28.08.2020.Qx.13.03 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz.; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером N542117). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «24» ноябрь 2020 года.  
(реестр протокола рассылки номер 2 от «06» ноябрь 2020 года).



 **Х.Ч.Буриев**  
Председатель научного совета по присуждению  
учёных степеней, д.б.н., профессор.

 **З.А.Абдукаюмов**  
Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н. (PhD),  
доцент.

 **И.Т.Нормуратов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.с.х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире общая площадь под виноградниками составляет 7 млн. 546 тыс. гектаров, валовый урожай винограда составляет 62 млн. тонн. Основная часть урожая винограда – 83% используется для изготовления вина, 12% для употребления в свежем виде и 5% для сушки (приготовления изюма). Из выращенного в мире урожая 31 млн. тонн приходится на Европу, 12,5 млн. тонн на США, 13,5 млн. тонн на страны Азии, 3,1 млн. тонн Африки и 3,1 млн. тонн Австралии и Новой Зеландии, при этом, средняя урожайность винограда составляет 82,2 ц/га<sup>1</sup>.

В настоящее время в странах, выращивающих виноград, актуальной проблемой считаются выведение новых сортов и разработка наиболее оптимальных агротехнических мероприятий по повышению урожайности винограда. В последние годы, в результате научных исследований, направленных на развитие отрасли виноградарства. Созданы перспективные винные сорта винограда, с высоким урожайностью и качеством, продукции подобраны наилучшие технический винные сорта для переработки, разработаны эффективные нагрузки кустов и нормы минеральных удобрений. Оптимизация этих разработок, с учетом почвенно-климатических условий регионов и биологических особенностей сортов даст возможность существенно повысить эффективность отрасли виноградарства.

В настоящее время в республике под плантациями винограда занято 113,3 тыс. гектаров, из которых 11,9 тыс. являются техническими сортами<sup>2</sup>.

В последние годы в республике большое внимание уделяется увеличению площадей виноградников, повышению урожайности и мощностей по переработке винограда, выращиванию продукции, отвечающей требованиям мирового рынка. В пункте 3.3 Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах, в качестве одной из стратегических задач, отмечено «расширение научно-исследовательских работ по оптимизации посевных площадей и составу культур, внедрению передовых агротехнологий, а также повышению урожайности, увеличению производства плодовоовощных культур и винограда, созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям».

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит с нучной стороны выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 13 марта 2013 года № ПП-1937 «О мерах по дальнейшему развитию виноградарства в республике на период

<sup>1</sup> <http://vinocenter.ru/mirovloe-proizvodstvo-i-potreblenie-vinograda.html>; <https://east-fruit.com/article/v-sezone-20182019-gg-mirovloe-proizvodstvo-stolovogo-vinograda-sokratilos-na-13-mln-tonn>

<sup>2</sup> Узбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг статистик бюллетени, 2019

2013-2015 годы», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 февраля 2018 года ПП-3573 «О мерах по дальнейшему совершенствованию реализации вина и алкогольных напитков», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Широкомасштабные научные исследования по подбору сортов в условиях различных регионов мира, изучению влияния нагрузки глазков кустов винограда и норм минеральных удобрений на рост, развитие и урожайность сортов винограда проведены, такими учеными, как W.M.Kliewer, A.Colby, P.Bowen, M.Benz, Pal.Kozma, A.M.Негруль, Я.Ф.Кац, М.С.Журавель, А.А.Преображенский, К.В.Смирнов, Е.П.Перепелицина, А.И.Фролов, Ф.И.Хайдаркулов, В.А.Арзуманов, Б.Д.Мирзахидов, М.М.Мирзаев, В.Л.Молчанов, З.Я.Молчанова, Ю.М.Джавакянц, Ж.Н.Файзиев и У.О.Очилдиев и др.

Разработаны принципы отбора перспективных винных сортов винограда, оптимизация длины обрезки побегов и кустовой нагрузки винограда почками, технологии выращивания винограда в горных и предгорных районах для получения качественных марочных вин. Разработаны рекомендации по сортовой агротехнике, нормам внесения удобрений для винных сортов винограда, получению экологически чистой продукции винных сортов винограда.

В настоящее время в республике ведутся научные работы по подбору и повышению урожайности и качеству винных сортов винограда применению оптимальных норм нагрузки глазками кустов винограда, оптимизации использования минеральных удобрений. В связи с этим, селекция и отбор высокоурожайных сортов и гибридов, изучение нагрузки кустов глазками, разработка и внедрение сортовых норм использования минеральных удобрений на основе изучения агробиологических характеристик винных сортов винограда является актуальной задачей.

